

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 333-ҳадис

وَعَنْ زَيْنَبَ التَّقْفِيَّةِ امْرَأَةِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ وَعَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «تَصَدَّقْنَ يَا مَعْشَرَ النِّسَاءِ وَلَوْ مِنْ خُلَيْكُنَّ» قَالَتْ: فَرَجَعْتُ إِلَى عَبْدِ اللَّهِ ابْنِ مَسْعُودٍ فَقُلْتُ: إِنَّكَ رَجُلٌ خَفِيفٌ ذَاتِ الْيَدِ، وَإِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْ أَمَرَنَا بِالصَّدَقَةِ، فَأَنِيهِ فَأَسْأَلُهُ: فَإِنْ كَانَ ذَلِكَ يُجْرِي عَنِّي، وَإِلَّا صَرَفْتُهَا إِلَى غَيْرِكُمْ، فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ: بَلِ اثْنَيْهِ أَنْتِ، فَاَنْطَلَقْتُ؛ فَإِذَا امْرَأَةٌ مِنَ الْأَنْصَارِ بِيَابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَاجَتِي حَاجَتُهَا، وَكَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْ أُتْقِنَتْ عَلَيْهِ الْمَهَابَةُ، فَخَرَجَ عَلَيْنَا بِالْأَلِّ، فَقُلْنَا لَهُ: ائْتِ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَأَخْبِرْهُ أَنَّ امْرَأَتَيْنِ بِالْبَابِ تَسْأَلَانِكَ: أَجْزِي الصَّدَقَةَ عَنْهُمَا عَلَى أَزْوَاجِهِمَا وَعَلَى أَيَّتَامٍ فِي حُجُورِهِمَا؟ وَلَا تُخْبِرْهُ مِنْ نَحْنُ، فَدَخَلَ بِالْأَلِّ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَأَلَهُ، [فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «مَنْ هُمَا؟» قَالَ: امْرَأَةٌ مِنَ الْأَنْصَارِ وَزَيْنَبُ] فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَيُّ الزَّيْنَبِ هِيَ؟» قَالَ: امْرَأَةُ عَبْدِ اللَّهِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «هُمَا أَجْرَانِ: أَجْرُ الْقَرَابَةِ وَأَجْرُ الصَّدَقَةِ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ 1466، م 1000].

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анҳунинг хотинлари Зайнаб ас-Сақафийя розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй аёллар! Тақинчоқларингиздан бўлса ҳам садақа қилинглар», дедилар. Мен Абдуллоҳнинг олдига қайтиб, «Сиз камхарж одамсиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни садақа қилишга буюрдилар. Бориб, у зотдан сўранг-чи, (садақани сизга берсам ва) бу мен учун жоиз бўлса бўлди, бўлмаса сизлардан бошқаларга бераман», дедим. Абдуллоҳ менга: «Йўқ, ўзинг бор», деди. Бордим. Қарасам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эшиклари олдида бир ансория турибди. У ҳам худди шу иш билан келган экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам маҳобатли зот эдилар (шунинг учун киришга юрагимиз бетламади). Олдимизга Билол

чиқиб қолган эди, унга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бориб, эшик олдида икки аёл турибди, эрига ва қарамоғидаги етимларга садақа қилса жоизми, деб сўрашяпти, деб айт. Лекин у зотга бизнинг кимлигимизни айтма», дедик. Билол Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига кириб, у зотдан сўрабди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «У икки аёл кимлар экан?» дебдилар. У: «Бир ансория билан Зайнаб», дебди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қайси Зайнаб?» дебдилар. У: «Абдуллоҳнинг аёли», дебди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Уларга икки ажр бор: қариндошлик ажри ва садақа ажри», дебдилар».

Муттафақун алайҳ.

Манба: hadis.islom.uz

